Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2011-yil, 29-oktabr. Shanba ● 129 (31.405) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

# Президент асари ўрганилмоқда

**Наманган вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**




Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги юксак савияда, кўтаринки руҳда кенг нишонланди. Юртимизда истиқлол йилларида кўлами, мазмун-моҳиятига кўра юз йилларга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг «ўзбек модели» нақадар тўғри эканлигини бугун дунё эътироф этмоқда.

Мустақилликка эришиш, собиқ тузум даврида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш, ўтиш даврида одамларни истиқлол ғояларига ишонтириш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, эришаётган ютуқларини кўролмайдиган турли қабиҳ кучларнинг таҳдидларига қарши туриш осон кечмади, албатта. Ушбу мураккаб йўлни муваффақиятли босиб ўтишда давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб, босиқлик, вазминлик, жасорат ва матонат билан юритган оқилона сиёсати ҳал қилувчи омил бўлди.

Шаҳар ва туман ҳокимликларининг ижтимоий соҳалар бўйича масъул ходимлари, вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирлари, олимлар, ёзувчилар ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этган тадбирда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Халқимиз, айниқса, ёш авлод ана шу залворли тарихдан теран хабардор бўлиши зарурлиги таъкидланди. Зеро, бу кишилар қалбида мустақил Ватаннинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, янада обод қилиш туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Бунда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Президентимизнинг янги китоби мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда ўрганиш бўйича тарғибот тадбирларини изчил йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

***«Ўзэкспомарказ» павильонларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа давом этмоқда***

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг асосий вазифаси хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида янада кенгроқ маълумот бериш, ҳамкорларни излаб топиш ва юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузишга кўмаклашишдан иборат.




Ярмаркада республикамиз саноатининг етакчи тармоқлари ва корхоналари, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудлари ишлаб чиқариш секторлари бўйича жами 6,5 мингдан ортиқ экспонат, хусусан, жорий йилда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган 420 турдан ортиқ янги маҳсулот намойиш этилмоқда. Унда минерал-хомашё ресурсларини геологик қидириш, қайта ишлаш, илмталаб технологиялар, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электр техникалари, кимё, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, матбаа, транспорт ва транспорт машинасозлиги кенг миқёсда тақдим этилган.

Форум амалий руҳда ўтмоқда. У корхона ва ташкилотларга тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни етказиб бериш бўйича буюртмалар портфелини тўлдириш ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан тендерлар ўтказмасдан ўзаро манфаатли шартномалар, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш имконини бермоқда.

*(Давоми 2-бетда.)*

ЎзХДП: устувор вазифалар




# Талабчанликни кучайтирайлик

## *ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши VII пленуми ўз-ўзини танқид руҳида ўтди*

Пленумда Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга оширишда шаҳар партия ташкилоти қандай иштирок этаётганлиги кўриб чиқилди. Кенгаш раиси У. Шоймкулов кун тартибига қўйилган масала юзасидан маъруза қилди.

Шаҳар ва туман партия кенгашларининг кейинги йилларда эришган ютуқлари қайд этилди. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари — маҳаллалардаги фаолият сезиларли даражада яхшиланганлиги таъкидланди. Кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш борасида қатор тадбирлар ўтказилди.

Бироқ бу ишлар бугунги кун талабига жавоб бермаслиги очиқ тан олинди.

Маъруза бўйича музокарада сўзга чиққан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати, 44-оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева, Олмазор туман партия кенгаши раиси Камолиддин Акромов, Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб раҳбари, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Шаҳноза Қосимова асосий эътиборни электорат манфаатини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтиришга қаратди.

Шунингдек, Бектемир туман «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Фарҳод Илҳомов, шаҳар Кенгаши қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш доимий комиссияси раиси Сотволди Бобоқулов Концепцияда қўйилган вазифалар муносабати билан партиямиз фаолиятини тубдан кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

ЎзХДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида алоҳида қайд этилган амалий йўналишлар бўйича аниқ, ошкора ва самарали фаолият олиб бориш зарурлиги сўзга чиққанлар томонидан қайта-қайта уқтирилди.

ЎзХДП меҳнатга лаёқатли аҳоли, шунингдек, имконияти чекланган кишиларни ўзларига мос ишга жалб этиш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мумкин деб ҳисоблайди.

*(Давоми 2-бетда.)*

Футбол

Ҳа, бугун мамлакатимизнинг миллионлаб футбол ишқибозлари орзиқиб кутган кун. Қаршидаги «Марказий» стадионда Осиё футбол конфедерацияси кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтади. Унда юртимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Насаф» футболчилари Қувайтнинг «Ал-Қувайт СК» вакилларига қарши майдонга тушади.

# Бугун юртимизда катта футбол байрами







Учрашувга қизиқиш ниҳоятда баланд. Буни ўйин учун чиқарилган ўн беш мингдан зиёд чиптанинг бир кундаёқ сотилганидан ҳам билса бўлади. Финал баҳсини кузатиш учун мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан ҳам, Қувайтдан ҳам юзлаб ишқибозлар ташриф буюрди.

Кеча «Марказий» стадион анжуманлар залида ҳар иккала жамоа бош мураббийлари ва сардорлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Аввало бизни илиқ кутиб олганликлари учун мезбонларга катта раҳмат, — дея сўз бошлади **меҳмонлар бош мураббийи, хорватиялик мутахассис Драган Талажич.** — Уч кундан бери Қаршидамиз. Бундай самимий ва меҳмондўст халқни биринчи марта кўришим. Албатта, таркибимизда йўқотишлар ҳам йўқ эмас. Шунга қарамай, биз Қаршида чиройли ўйин намойиш этиб, ўз мухлисларимизни хурсанд қилмоқчимиз.

— Биз ниҳоятда масъулиятли ўйин арафасида турибмиз, — деди **«Насаф» жамоаси бош мураббийи Анатолий Демяненко.** — Бунақа имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Муҳими, жамоамиз ўз майдонида минглаб мухлислари қўллаб-қувватлаши остида тўп суради. Бош совринни қўлга киритиш учун кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

ОФК кубоги финали дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатларига тўғридан-тўғри трансляция қилиниши режалаштирилган. Учрашувни стадионнинг ўзида туриб кузатиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун бир юз ўттиз нафардан зиёд журналист аккредитациядан ўтган. Уларнинг 30 нафари хориждан ташриф буюрган.

Бугун барча ҳамюртларимиз диққат-эътибори Қарши шаҳрига қаратилган. Ишонамизки, «Насаф» жамоаси аъзолари миллионлаб мухлислари кўз олдида чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб, юртимиз довруғига довруғ қўшади, бош совринни халқимизга тақдим этади.

Бўлажак ўйинда футболчиларимизга омад тилаймиз!

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Сурхондарёдан уч хабар

# Иш ўринлари

*кўпаймоқда*

Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ишбилармон кишилар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Шўрчилик Каромат Улуғназаров «Янги оҳак сифат» масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилган эди. Айни вақтда бу ерда 10 киши меҳнат қилмоқда. Улар бир кеча-кундузда ўртача 13 тоннагача оҳак, алибастер ва бўр каби қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Сифатли, харидорбоп, энг муҳими, арзон бўлгани учун вилоятнинг барча ҳудудларидан талаблар тушмоқда.

— Бу йил тумандаги «Қишлоқ қурилиш банк»дан 85 миллион сўм имтиёзли кредит олдик, — дейди тадбиркор Каромат Улуғназаров. — Энди янги технология ўрнатиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтирмоқчимиз. Мўлжалга кўра яна 12 та янги иш ўрни очилади. Келажакда эса маҳсулотни қадоқлаб, хорижга экспорт қилиш ниятимиз бор...

# Автомашина

*совға қилинди*

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари ҳукуматимизнинг доимий назоратида.

Сурхондарёдаги 12-вилоят Меҳрибонлик уйида айни пайтда 100 нафарга яқин ўғил-қиз тарбияланмоқда. Масканда уларнинг соғлом бўлиб улғайиши, чуқур билим олиши учун барча қулайлик яратилган. Ёшларни касбга ўргатиш бўйича дурадгорлик, рассомчилик, зардўзлик ва бошқа ўнга яқин тўгараклар ишлаб турибди.

Баркамол авлод йилида ташаббускор ташкилот ва ҳомийларнинг кўмаги билан Меҳрибонлик уйи учун кўркам бино қурилиб, фойдаланишга топширилган, «Исузи» автобуси совға қилинган эди. Яқинда Термиз туманидаги «Жануб-стандарт» фермер хўжалиги раҳбари Очил Сувонов ўз ҳисобидан «BMW» русумли енгил автомашина туҳфа қилди.

— Ҳомийлардан миннатдормиз, — дейди **Меҳрибонлик уйи директори Сурайё Ғозиева.** — Халқимиз саховатпеша, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳар доим қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

# Ичимлик суви

*таъминоти яхшиланмоқда*

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида туман ва шаҳар марказлари, чекка қишлоқ ҳамда овулларда ҳам кенг қамровли ишлар қилинаяпти.

Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» марказий қўрғони ва унга ёндош 13 та маҳаллада 15 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шу кунга қадар ҳудудда тоза ичимлик суви муаммо эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида аҳолини қийнаётган бу масала ижобий ечим топди.

Тумандаги 278-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма масъулияти чекланган жамият қурувчилари тоза ичимлик суви қувурларини ўтказишни бошлаб юборишди. Ҳозир 1,5 миллиард сўмлик иш бажарилиб, 18 километрдаги асосий ҳамда кичик кўчалардаги бунёдкорликлар поёнига етказилди. Йил охиригача ҳудуд аҳолиси тўлиқ тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!




Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП: Ҳаракат дастури амалда

# Талабчанликни кучайтирайлик

## ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши VII пленуми ўз-ўзини танқид руҳида ўтди







Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Касаначиликнинг янги самарали шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш жуда муҳим. Бу масаланинг ўрганилиши касаначилик иш ўринларини ташкил этишда туман бандлик дастурлари бандларига аниқлик киритишни тақозо этади. Жорий йилнинг 27 майида Тошкент шаҳар ҳокимининг маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фармойиши қабул қилинган эди. Унда электоратимиз манфаатларига тўла мос келадиган бандлар мавжудлиги учун кенгашдаги партия депутатлик гуруҳи фармойиш ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилишини илгари сурди. Сессияда қабул қилинган қарорга тегишли қўшимчалар киритди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш мавсумий иш бўлиб қолмаслиги керак. Ўқув юрти, битирувчи ва иш берувчи ўртасида уч томонлама шартнома тузилаётгани яхши. Лекин бу ҳужжатнинг амалий ижросини олиб бориш йигит-қизларимизнинг келгуси тақдирини белгилайди. Депутатлик гуруҳи шаҳар Кенгашининг 15-сессиясида 2011 йил учун қабул қилинган бандлик дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича мутасадди ташкилот раҳбарининг ҳисоботини эшитгач, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича ўзининг аниқ позициясини билдирди.

Маълумки, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳининг жойларда электоратимиз манфаатларига жавоб берадиган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтиришда партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, унда белгиланган барча вазифалар амалга оширилишига эришиш лозим.

Касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи партия Ҳаракат дастурига киритилганлиги боис, шаҳар партия кенгаши ўтган чоракда Мирobод, Олмазор, Учтепа туманларидаги аҳволни ўрганишни режалаштирган эди. Шаҳар туманларидаги партия кенгашлари эса тегишли ташкилотлардан сўраб олинган маълумотномаларни тақдим этиш билан кифояланишди, холос. Демак, бирорта туман кенгаши бу масалани мустақил равишда, жойига чиқиб ўрганмаган. Балки, тегишли ташкилотларнинг тайёр маълумотлари билан чекланган.

Ишга жойлашиш масаласида бандликка кўмаклашувчи марказларга Миробод тумани бўйича 1269, Олмазор туманида 902, Учтепа туманида 759 битирувчи мурожаат қилган. Аммо туман партия кенгашлари буни билгани ҳолда ўтган давр мобайнида аризаларнинг натижаси билан қизиқмади. Албатта, партия кенгаши бу долзарб муаммони тўла бартараф этиш имконига эга эмас, лекин вазиятни ўрганиб, масаланинг ечими бўйича амалий таклифлар киритишига нима монелик қилади?

Пленум иши жараёнида битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласи жиддий мунозара тусини олди. Залдан берилган саволлар ҳам Ҳаракат дастурининг мана шу банди электорат учун нақадар аҳамиятли эканини кўрсатди. Ўқув йили тугашини кутмай, тузилган уч томонлама шартномалар ижроси қай аҳволда ва қандай натижа бераётганлигини мониторинг йўли билан ўрганиш керак. Бунда эса шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутатлар иштирокидан ва таъсир кучидан тўла фойдаланиш талаб этилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан жойларда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш йўлида «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маркази» мавзуидаги мақсадли ижтимоий сиёсий тадбирларни ўтказишни давом эттириш керак.

Партиянинг электорат орасида олиб бориши лозим бўлган ижтимоий-сиёсий ишлари бўйича туман кенгашларининг ҳаммаси талаб даражасида ишламоқда, деб бўлмайди. Уларнинг сусткашлиги натижасида партиянинг асосий бўғини ҳисобланган бошланғич ташкилотларнинг кўпчилигида бўшашувчанлик кайфияти ҳукм сурмоқда. БПТлар билан алоқа баъзи туманларда деярли узилиб қолган. Асосий эътибор маънавий-маърифий тадбирларга қаратилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этиш четга суриб қўйилмоқда.

Электорат манфаатлари йўлида амалга ошираётган ишларимиз, ташкил этаётган тадбирларимиз, дастурий ғояларни тарғиб қилишда партия матбуотининг роли муҳимлиги ҳам пленумда алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Газеталаримиз имкони бўлса ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш учун ҳаракат қилишимиз керак, — деди маърузачи. — Аввалги мавсумда йўл қўйилган камчиликларни такрорламасликка эътибор бериш лозим. Токи, биз фаолиятимизни, ғояларимизни тарғиб қилишда матбуот имкониятидан самарали фойдаланмас эканмиз, бу эртага ишимизга салбий таъсир қилади».

Шундай қилиб, ЎзХДПнинг энг йирик бирлашмаси ҳисобланган Тошкент шаҳар партия кенгашининг навбатдаги пленуми ютуқлар билан бирга, мавжуд камчиликларни ҳам дадил таҳлил қилди ва келгуси режаларни белгилади.

**(Ўз мухбиримиз).**

# Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

*«Ўзэкспомарказ» павильонларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа давом этмоқда*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Иқтисодиёт тармоқлари, корхоналар, шунингдек, вилоятларнинг Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида бўлиб ўтаётган тақдимот маросимлари иштирокчилар ҳамда бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда, уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари билан танишиб, тажриба алмашмоқда, ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда. Улар ахборот алмашинуви асосида ва тақдимотлар давомида янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш учун кўп томонлама кооперация алоқаларини кенгайтирмоқда, ишлаб чиқариш учун зарур хомашё, материаллар, ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги бутловчи буюмлар ҳамда тайёр маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузмоқда. Дастлабки икки кунда умумий қиймати 1,39 триллион сўмлик 1,6 мингдан зиёд шартнома тузилди.

Экспозиция павильон ва стендларида саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган маҳаллийлаштирилган, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босадиган кенг турдаги маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Масалан, «Elektromotors Aziya» масъулияти чекланган жамияти турли электр двигателлари, мотор-редукторлар, насос ускуналари, дизель ёқилғисида ишлайдиган саноат генераторлари, манометрлар, инверторлар, ишга тушириш тизимлари, частотали ўзгартиргичлар ва мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари учун бошқа технологик асбоб-ускуналарни таклиф этаётир. Хорижлик ҳамкасблар билан яқин ҳамкорлик компанияга мамлакатимиз бозорига етказиб берилаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш имконини берди. Ҳозир нефть-газ, кимё, пахтани қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳалари компания маҳсулотларининг истеъмолчилари ҳисобланади.

«Elektromotors Aziya» масъулияти чекланган жамияти тижорат директори Шавкат Изамовнинг таъкидлашича, Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш давлат дастурида иштирок этиш компания фаолиятининг муҳим йўналишига айланган. Шу мақсадда «Elmaz» савдо белгиси остида асинхрон электр двигателлари ишлаб чиқариш участкаси ташкил этилди. Мазкур русумдаги двигателлар турли механизмларни ишга тушириш учун мўлжалланган бўлиб, иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларидаги корхоналарда кенг қўлланилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро ва Европа сифат стандартларига эга. Мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида Самарқандда компания филиали очилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада ўтказилган музокаралар чоғида «Elektromotors Aziya» раҳбарлари мамлакатимиз истеъмолчилари билан умумий қиймати 1 миллиард 100 миллион сўмлик ўндан ортиқ шартнома имзолади. Улар орасида «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти ва бошқалар бор. Шартномалар тузиш давом этмоқда.

Фарғонадаги «Автоойна» очиқ акциядорлик жамияти ҳам маҳаллийлаштириш дастурида фаол иштирок этмоқда. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи бу корхона «GM O`zbekiston» қўшма корхонаси ҳамда «СамАвто» масъулияти чекланган жамияти учун кўп қатламли хавфсиз автомобиль ойналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Автоойна» маҳсулотлари ISO 9001:2000 халқаро стандарти талабларига жавоб беради. Энди янги турдаги мураккаб автоойналар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Корхона қуввати ошган сайин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ҳамда ҳажми ҳам кенгайиб бораётир.

«Showprint» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси матбаа саноати учун турли форматдаги позитив офсет пластиналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қўшма корхона бош директори Ли Сеок Кеуннинг айтишича, Ўзбекистон босмахоналарининг мазкур маҳсулотларга талаби катта. Негаки, бу маҳсулотлардан фойдаланиш газета ва журналлар ҳамда бошқа матбаа маҳсулотларини юқори сифат билан чоп этиш имконини беради. Жанубий Кореянинг «Seda Comp LTD» компанияси импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, маҳаллий истеъмолчиларни таъминлаётган ўзбекистонлик шеригига доимий асосда хомашё етказиб бермоқда. Ярмарка кунлари пойтахтимиздаги ўнга яқин босмахона «Showprint» қўшма корхонаси билан маҳсулот харид қилиш тўғрисида шартномалар тузди.

Андижон вилояти Шаҳрихон туманида жойлашган ва сифатли автомобиль фильтрларини ишлаб чиқараётган «SDK Group And» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ёрқин намунасидир. Корхона истеъмолчиларга барча русумдаги автомобиллар, шунингдек, қишлоқ хўжалик техникаси учун турли хил мой, ҳаво ҳамда ёқилғи фильтрларини таклиф этяпти. Корхона йилига 3,6 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. «DS Filtr» масъулияти чекланган жамияти дилерлик компанияси бош директори Комилжон Авезовнинг сўзларига кўра, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот юқори жаҳон стандартларига мос келади. Уни тайёрлашда Германия ва Жанубий Кореянинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг хомашё ҳамда материалларидан фойдаланилмоқда. Корхонанинг сертификатга эга замонавий лабораториясида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати мунтазам текширилмоқда.

Мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, суғурта компаниялари ҳамда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасига ихтисослаштирилган ташкилотлар музокаралар иштирокчиларига маслаҳат хизматларини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари секторлар бўйича пухта ўйланган тизим асосида жойлаштирилгани, павильонлардаги маълумотлар уларга ўзларини қизиқтирган объектлар, расмий вакилларни тез топиш имконини бермоқда.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

# Тил — миллат кўзгуси

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар партия кенгаши, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорликда «Тил — миллат кўзгуси» мавзуида давра суҳбати ўтказди.**



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш экспертлари ва масъул ходимлари, Тошкент шаҳар партия кенгаши етакчилари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

— Она тили бу — миллат руҳидир, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши тилимизнинг баланд мақомини белгилаб қолмай, унинг бойиши ва такомиллашувига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда мазкур Қонуннинг бажарилиши бўйича муайян ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, жойларда қонун ижросини таъминлаш, тилимизни чуқур ўрганиш, унинг бой имкониятларини рўёбга чиқариш борасида кўламли ишлар қилинмоқда. Жумладан, партиямиз фидойилари аҳоли, айниқса, электорат орасида унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини тарғиб этишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар она тилимиз софлиги учун ҳар бир ватандошимиз доим курашиши лозимлигини таъкидлашди. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳар йили ўтказиб келаётган ўзбек тилшунослигининг долзарб вазифаларига доир илмий-амалий анжуманлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Маълумки, ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллар оиласига киради, — деди ЎзМУ ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаева. — Энг муҳими, она тилимизнинг буюк қадр-қимматга эга эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ёш тадқиқотчиларнинг тилшунослик бўйича изланишлари уни янада бойишига хизмат қилмоқда. Афсуски, айрим ташкилотларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва меъёрларига эътиборсизлик туфайли баъзи хатоликларга йўл қўйилмоқда. Буни уларнинг ҳужжатларида, шунингдек, рекламаларда кўриш мумкин. Айниқса, реклама ва эълонларда имло хатолар учраши ташвишланарли. Мутасадди ташкилотлар буни тузатиш чорасини кўрса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Бугунги кунда турли халқларнинг ўзбек тилини ўрганишга қизиқиши кучайди, — деди ЎзДЖТУ маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Феруза Тўраева. — Мадҳиямиз жаҳон майдонларида янграмоқда. Бу дилларга ғурур бағишлайди. Зеро, тил миллатнинг қалби, борлиғи...

Тадбирда сўзга чиққан ҳар бир киши тилимизнинг жозибаси ва имкониятлари беқиёслиги, уни кўз қорачиғидек асраш бурчимиз эканини таъкидлади.

**Муборак ЁҚУБОВА**

# Янги иш ўринлари яратиш

## *депутатлик гуруҳларидан алоҳида фаолликни талаб қилади*

**«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқиб, 2011-2014 йилларга мўлжалланган партиямиз Ҳаракат дастурида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига аниқ вазифалар юкланган.**

Унга мувофиқ, Пешку туман партия ташкилоти, туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш бўйича қилинаётган ишлар ва юзага келаётган муаммоларни ўрганиши, уларнинг ечими бўйича аниқ таклиф тайёрлаши керак эди. Хўш, туман партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳи бу борада нима ишлар қилди?

— Биз дастлаб бу масала бўйича депутатлар ва партия фаолларидан иборат 4 та ишчи гуруҳи туздик, — дейди ЎзХДП Пешку туман кенгаши раиси Эркин Холов. — Улар бандлик дастурига кўра ташкил этилиши керак бўлган иш ўринлари ижросини таҳлилий ўрганиб чиқишди. Маълум бўлишича, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан, жорий йилнинг 9 ойи давомида туманда 4143 та иш ўрни очилган. Шунинг 266 таси саноат соҳасига тўғри келади.

Саноат корхоналари фаолияти, ишлаб чиқариш тармоқлари ва уларда яратилган янги иш ўринлари бўйича туманнинг барча ҳудудлари ўрганилгач, натижалар умумлаштирилди. Шу масала бўйича 6 марта депутатлик гуруҳи йиғилиши ўтказилиб, саноат ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ғов бўлаётган муаммолар чуқур таҳлил этилди.

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори асосида туманда бир неча корхона очилиши, мавжудларининг фаолияти кенгайтирилиши белгиланган. Бу режа амалга ошса, аҳоли даромадлари янада кўпаяди ва турмуш даражаси юксалади. Депутатлик гуруҳи бу борадаги ишларни ўрганиб, ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам борлигини аниқлади. Хусусан, Бандлик дастурига кўра, «Пешку крайзер файз» хусусий корхонаси негизида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 17 та янги иш ўрни очилиши лозим эди. Лекин корхона иш ҳажми қисқарганлиги сабабли иш ўринлари яратилмай қолди. «Пешку ширин нон» МЧЖ негизидаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида ҳам шундай вазият юзага келди.

— Туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурларнинг тўла-тўкис бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб бораяпмиз. Ҳар ой якунида кузатув натижалари таҳлил этилмоқда, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Авезмурод Ниёзов. — Электорат манфаатига хизмат қилувчи долзарб масалаларни ҳал этишда саноат соҳасида яратилган иш жойлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун режадаги иш ўринларини ўз вақтида очишга тўсқинлик қилган муаммоларни ечиш бўйича амалий таклифлар тайёрладик. Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссияси йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Камчиликларни тугатиш бўйича мутасадди ташкилот раҳбарлари ва депутатлар зиммасига аниқ вазифалар юкланди.

Пешкулик партиядошларимиз партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жамиятимиздаги ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил изланмоқда, ташаббуслар билан чиқмоқда. Бундай эзгу ҳаракатлар изсиз кетмайди, албатта.

**Лазиза ШЕРОВА**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Ижтимоий шериклик ривожланган фуқаролик жамиятининг муҳим белгисидир

**«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.**

Бу қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий меъёрлар кўзда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда ишчи гуруҳи мазкур қонун лойиҳаси устидаги ишни ниҳоясига етказмоқда.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси **Носирхон АКБАРОВ** ва таниқли социолог, Тошкент давлат маданият институти профессори **Мансур БЕКМУРОДОВ** ушбу Қонуннинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида фикр юритади.

**Н.Акбаров:**

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши давлатимиз томонидан амалга оширилаётган Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишдан иборат ислоҳотчилик сиёсатининг узвий ва муҳим бўғинидир. Айни чоғда ижтимоий шериклик миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидаи бири бўлган ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг таркибига киради ҳамда унинг амалиётдаги реал ифодаси ва шу ижтимоий ҳодисанинг ҳуқуқий асосларга эга бўлган кўринишларидан биридир.

**М.Бекмуродов:**

Истиқлол йилларида одамларда қонунларга риоя қилиш маданияти шаклланди ва юксалди. Шу боисдан ҳам «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун одамларда турли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш орқали улардаги яратувчанлик, бунёдкорлик ҳаракатини кенгайтириш имкониятларини оширади.

**Н.Акбаров**:

Инсон манфаатлари масаласи мамлакатимизда ўзгача мазмунга эга. Ўзбек менталитети моҳият эътиборига кўра, кўпроқ бировдан фойда ундириш эмас, балки бировларга наф, фойда келтиришга йўналган феъл-атворни ифода этади. Шу боисдан ҳам, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун миллатимиз руҳиятига жуда мос келади.

**М.Бекмуродов:**

Ижтимоий шериклик том маънода инсоний моҳиятга эга бўлиб, давлат ва жамиятнинг ривожланганлик даражасини ифода этади. Тараққиёт қанча юқори бўлса, одамлараро шериклик географияси ҳам шунча кенгая боради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси паст бўлган мамлакатда шериклик асосан қариндошлик, ҳудудий ёки муайян ишлаб чиқариш эҳтиёжлари негизида амалга ошади. Ривожланган давлатларда эса ижтимоий шериклик нафақат маиший, балки ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг деярли барча жабҳасига кириб боради.

**Н.Акбаров:**

Тараққиёт даражаси ҳамиша ҳам инсоний моҳиятни юзага чиқара олмаслиги мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда дунёнинг баъзи бир мамлакатларида одамлараро ижтимоий шериклик фақат манфаатпарастлик, фойда ундириш негизида амалга ошади. Ўзаро манфаатларда муросасизлик, шафқатсизлик, бегоналашув, турли тўқнашув ҳолатлари юз бераётгани шундан бўлса керак...

**М.Бекмуродов**:

Тўғри айтдингиз. Ижтимоий шериклик чин инсоний омилни намоён этувчи ҳодиса, яъни маънавият билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Маънавият устувор бўлмаган жамиятларда ижтимоий шериклик мазмунида бозорнинг шафқатсиз рақобат руҳи ҳукмронлик қилади. Муносабатларда алданиб қолмаслик, шериклардан доимий ҳадик, хавотир ҳамкорлик қилувчиларнинг диққат марказида туради.

Маънавият устувор бўлган мамлакатда эса одамлар ўз шерикларига ишонадилар, алданиб қолишдан қўрқмайдилар. Хавотир, шубҳа-гумон уларга бегонадир.

Ижтимоий шериклик — инсоннинг давлат ва жамиятда ўзлигини тўла намоён этиш, том маънодаги ижтимоийлашувига шарт-шароит яратувчи имконият дейиш ўринли, чунки одам қанча фаол бўлса, унинг шериклик қилиш кўлами ҳам шунча кенг бўлади.

Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, шўролар даврида миллий қадриятлар асосидаги ижтимоий шериклик анъаналарига зид сиёсат олиб борилди.

**Н.Акбаров:**

Халқимиз тарихида ижтимоий шериклик илдизлари жуда қадимийдир. Ўзбек халқи улуғ иншоотлар, масжиду мадрасалар, кўприклар, каналлар, уй-жойларни кўпчилик бўлиб, ҳашар йўли билан барпо этган. Ҳашарнинг ўзи ижтимоий шерикликнинг ёрқин намунасидир. Қолаверса, маҳалла тузилмасининг юзага келиши ҳам аслида одамлараро ҳамжиҳатликка эришиш, бир-бирига ўзаро ёрдам қилиш, тинч яшаш имконига эга бўлиш, ижтимоий шериклик асосида иш бажариш эҳтиёжидан туғилган.

Ижтимоий шериклик касаба уюшмалари фаолиятида, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Шўролар даврида касаба уюшмалари соҳа таркибидаги оддий тузилма сифатида амал қилган, ўз сўзи ва нуқтаи назарига эга бўлмаган.

Истиқлол туфайли касаба уюшмалари жамоанинг бунёдкорлик фаолиятида тўла ҳуқуқли шерик сифатида амал қила бошлади. Эндиликда касаба уюшмалари нафақат ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, балки улар билан тенг шериклик асосида фаолият юритиш имкониятини рўёбга чиқазмоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг 90 фоиздан кўпроғига иш берувчи ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал, албатта, касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш лозимлиги тўғрисидаги банд киритилди. Бу ходимларни — касаба уюшма аъзоларини ноқонуний ишдан бўшатилишидан ҳимоя қилади. Буларнинг барчаси касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўрнатилган ижтимоий шерикликнинг амалий натижасидир.

**М.Бекмуродов:**

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли инсон онги ва тафаккуридаги бош мезонлар — иймон, ишонч, тўғрилик, тартиботларга ҳурмат туйғусини шакллантиришга эришилди. Давлат сиёсатида сўз ва иш, мақсад-режа-амалиёт бирлиги тўла таъминланди. Одамлар давлат белгилаётган дастур ва режалар ижросининг бажарилишига тўла ишонадилар. Давлат фаолиятига хос бўлган тўғрилик, адолатлилик, ишчанлик, режавий иш тутиш, самимият одамлар феъл-атвори ва турмуш тарзига кўча бошлади. Шўролар даврига хос бўлган, баландпарвозлик, уйдирма ва риёкорлик, иккиюзламачилик ўрнига тўғри сўз, тўғри иш тутиш, қонунларга ҳурмат, инсонни эъзозлаш хислатлари мустаҳкам ўрнаша бошлади.

**Н.Акбаров:**

Энг муҳими, сиз айтган ана шу фазилатлар инсон манфаатларига хизмат қилаяпти. Ижтимоий шериклик самарадорлиги айнан ана шу соф инсоний фазилатлар — тўғрилик, ишонч, сўз ва иш бирлиги асосига қурилади, мунофиқлик аралашган жойда ишдан барака кўтарилади.

**М.Бекмуродов:**

Ижтимоий шерикликнинг ҳаётда амал қилиш географиясига қандай қарайсиз? Бу ҳаракат фақат ишлаб чиқаришда намоён бўладими ёки бошқа соҳаларда ҳам акс этадими?

**Н.Акбаров:**

Ижтимоий шерикликнинг дораси кенг. Бир томондан, халқимизнинг миллий қадриятларига мустаҳкам таянган ҳолда амал қилса, иккинчи томондан, замонавий ишлаб чиқариш, турмуш тарзига доир талаблар негизида намоён бўлади. Шунингдек, халқимиз табиатан жамоавий менталитетга эга, шу сабабли ўзаро ижтимоийлашишга шерик бўлиб, ҳамкорликда иш бажаришга мойилдир.

Шундай экан, мамлакатимизда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, бу борадаги амалда мавжуд бўлган тажрибаларни қонуний изга солиш, муайян ижро тартиботларига эга бўлиш имкониятини яратади.

**М.Бекмуродов:**

Ижтимоий шериклик жамиятда тинчлик-тотувлик амал қилаётган муҳитда ривожланади. Қолаверса, ижтимоий шериклик тинчлик-омонликнинг меваси дейиш ҳам мумкин. Мамлакатимизда одамлар ўртасида ўзаро шериклик муносабатларининг ривож топиши, ҳамкорликда бунёдкорлик ишларининг барқ уриши истиқлол ва тинчлик туфайлидир.

**Н.Акбаров:**

Албатта, одамлар уйи, маҳалласи, ишхонасида тинчлик ва барқарорлик бўлсагина янгиланиш, ривожланиш ҳақида ўйлай бошлайди. Аслида, бунёдкорлик йўли жамият ва давлатда одамлар тинч ва осуда, хотиржам яшаши таъминлангандан кейинги ривожланиш босқичидир.

Ҳозирда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи ишламоқда. Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик институти олимлари, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мутахассисларидан таркиб топган мазкур гуруҳ томонидан, аввало, мавжуд қонунчилик ўрганилиб, ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган ҳолатлар аниқланди. Ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқий амалиёт тажрибаси таҳлил қилинди.

Ҳозирга қадар қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унинг амалдаги қонунларга мувофиқлиги ўрганилди ва ҳуқуқий экспертизаси ўтказилди.

Маълумки, касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ижтимоий шериклик тамойиллари ташкил этади. Чунки ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан айнан ижтимоий шерикликнинг амалда қай даражада ўз ифодасини топишига боғлиқ.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари фаолиятини кучайтириш учун кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар, таълим соҳаси ходимлари ва талабалар, айниқса, аҳоли кам таъминланган қатламининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришнинг муҳим ҳуқуқий омилига айланади.

**Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ тайёрлади.**

Хориж

# Ўн олтинчи тур

## овоз беришдан кейин

***БМТ Бош ассамблеясида мазкур ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгашига 5 та муваққат аъзо сайланди. Улар Озарбойжон, Гватемала, Марокаш, Покистон ва Того.***



«Reuters» АА таъкидлашича, Шарқий Европа мамлакатлари ҳудудидан номзоди кўрсатилган Озарбойжон ва Словениядан бирини сайлаш учун ўтган жумадан бери 143 та давлат вакиллари иштирокида ўн олти марта овоз бериш тадбири ўтказилди. Аммо ҳеч бири учдан бир қисм овозга эга бўлолмади. Сўнг Словения номзодини қайтиб олгач, Озарбойжон аъзо этиб сайланди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мазкур янги аъзолари келгуси йилнинг 1 январидан фаолият бошлайди.

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгашига 15 та давлат аъзо этиб сайланади. Уларнинг 5 таси доимий аъзо ҳисобланиб, улар Россия, АҚШ, Хитой, Буюк Британия ва Франциядир. Мазкур доимий аъзо давлатларга Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган ҳар қандай қарорга бойкот эълон қилиш ҳуқуқи берилган. Қолган муваққат аъзо давлатлар эса галма-галдан 2 йиллик муддатга сайланади.

Бу гал 5 та, яъни бўшаб қолган Босния ва Герцоговина ўрнига Шарқий Европа мамлакатлари ҳудудидан Озарбойжон, Венгрия ва Словения; Африка-Осиё давлатлари гуруҳига кирувчи Габон, Ливан ва Нигериянинг бўшаган ўрнига эса Того, Покистон, Марокаш, Мавритания, Қирғизистон; Лотин Америкаси мамлакатларининг ХҚдаги вакили бўлмиш Бразилия ўрнига эса Гватемала номзоди кўрсатилганди.

— — — — — — — — — — — — — — — —

# 2 ҳафталик гўдак

## 47 соатдан сўнг тирик ҳолда топилди

***Маълумки, якшанба куни Туркиянинг жануби-шарқидаги Ван музофотида 7,2 магнитудага тенг кучланишда ер ости силкиниши юз бериши ва бу вайронкор табиий офат душанбага ўтар кечаси яна такрорланиши оқибатида 366 киши дунёдан бевақт кўз юмди, 1300 дан ортиқ киши турли даражада жароҳат олди. Табиий офат «ўчоғи»да 2262 та уй ва иншоот вайрон бўлди.***

«Новости» АА маълум қилишича, айни пайтда кўп минг кишилик қутқарувчилар томонидан қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда.

Қутқарувчиларни ҳайратга солган воқеалардан бири шуки, зилзиладан сўнг 47 соат ўтгач, вайроналар орасидан 2 ҳафталик гўдак тирик ва бешикаст топилди.

Сейсмологларнинг огоҳлантиришларича, мамлакатнинг жануби-шарқида ер ости силкинишлари яна бир неча ой давом этиши мумкин. Бу эса Ван кўли шимолидаги уйқудаги Немрут-Даг вулқонини уйғотиб юбориши ҳам эҳтимолдан холи эмас экан.

— — — — — — — — — — — — — — — —

# 200 минг кишилик имзо

## кўп асрлик анъанани тақиқлади

***Испаниянинг Барселона шаҳрида кўп асрлик тарихга эга коррида (Испанияда ва Лотин Америкаси мамлакатларида тореодорнинг буқа билан жанги) маросими бу йил охирги марта ўтказилди, дея хабар беради «France Presse» АА.***

Гап шундаки, мамлакатнинг шимоли-шарқида ўзига хос анъана тусини олган буқа жанги жониворларни ҳимоя қилувчи гуруҳлар вакиллари талабига биноан тақиқланди. Айнан 200 минг киши имзо қўйган талабдан сўнг мамлакат парламенти буқа жангини тақиқлашга мажбур бўлди. Ушбу тақиқлов келгуси йилнинг 1 январидан кучга киради.

Дарвоқе, шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда одамларнинг коррридага қизиқиши негадир пасайиб кетган. Бир вақтлар мазкур маросимга кириш чипталари ўз нархидан беш-олти баравар қимматига сотиларди.

Реклама ва эълонлар

# Тиббий хизмат кўрсатиш сифати ортмоқда

**Инсон учун биринчи бахт унинг соғлиғи. Халқимизнинг «Саломатлик — туман бойлик» деган мақоли ҳам шу боис айтилган бўлса керак. Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш савиясини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда.**

— Кейинги йилларда Жиззах вилоятида ҳам тиббиёт соҳасида салмоқли ишлар қилинди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мелитожи Якубов. — Айни пайтда жойларда 174 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритмоқда, жами 362 нафар врач, шу жумладан, 160 нафар умумий амалиёт врачи аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатаяпти.

Шунингдек, бугун вилоятда 48 та шифохона, 234 та амбулатория-поликлиника муассасалари, 8 та қишлоқ участка шифохонаси, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали ва унинг 11 та туман бўлимлари ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза этмоқда.

Ўтган ярим йилликнинг ўзида республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалига жами 660 миллион сўмлик, «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда туғуруқ бўлимларига 3,1 миллиард сўмлик тиббий жиҳозлар ва ускуналар келтирилди. Вилоятдаги 4 та соғлиқни сақлаш тизими объектларида умумий 5,3 миллиард сўм миқдоридаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилаяпти.

Аҳолига тез тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида 7 та «Хундай» русумли тез ёрдам автомашиналари сотиб олинди. Улар замонавий тиббий аппаратлар билан таъминланди.

Тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг ошаётгани аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

**Гулжаҳон АШУРОВА**

AGROBANK

# Мижозлар ишончи — барқарорлик омили

**Банкнинг Хоразм вилоят бошқармасининг жойлардаги 12 та филиали, 45 мини-банки ва 15 та махсус кассалари турли соҳада фаолият юритаётган 11 мингдан зиёд юридик ва 4 мингга яқин жисмоний шахслардан иборат мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.**

Жорий йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, банк кредит қўйилмаси 85 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан қишлоқ хўжалиги соҳасига 51,4 миллиард сўм, моддий техника ва таъминотга 6,9 миллиард сўм, савдо хизмати кўрсатишга 7,9 миллиард сўм, саноат соҳасига 5,7 миллиард сўм ва бошқа соҳаларга 3,7 миллиард сўм йўналтирилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига вилоятда минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш суръатлари тобора ошиб бормоқда.

Бошқарма қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларига молиявий кўмак бериш орқали агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш учун маблағлар ажратмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги корхоналарига салкам 3,3 миллиард сўм кредит маблағлари берилди.

Мингга яқин кичик бизнес субъектларига эса барча молиялаш манбалари ҳисобидан 15,5 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди.

Бошқарма ва унинг филиаллари томонидан Президентимизнинг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил 1 сентябрь ҳолатига маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 2,9 миллиард сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга эса 5,4 миллиард сўм кредитлар йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, бошқарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, хусусий сектор нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг муҳим омилига айлангани, вилоят иқтисодиёти жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти юксалаётгани, обод ва кўркам қиёфа касб этаётганида, халқимизнинг турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Буни «Агробанк»нинг Хоразм вилоят бошқармаси мижозлари эришаётган ютуқлардан ҳам билса бўлади.

**Матрасул ДИВАНОВ, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг Хоразм вилоят ҳудудий бирлашмаси раҳбари:**

— Пахта тозалаш корхоналарида паррандачиликни ривожлантиришга қарор қилгандик, «Агробанк»нинг Хоразм вилоят бошқармаси эса бизга 1 млрд. 500 млн. сўм кредит ажратди. Бу маблағ эвазига пахта тозалаш заводларида паррандачилик мажмуалари қурилиб битказилди. Бугунги кунда ҳар бир корхона ҳудудида 4-5 минг бош парранда парваришланмоқда. Ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган тухум ва парҳез гўшти билан нафақат корхона ишчи-хизматчиларини, балки аҳолини ҳам таъминлаш имкониятини яратмоқда.

**Рўзмамат ТУРДИЕВ, Хонқа туманидаги «Жамоладдин —Довутбек — Давлатбек» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Банкнинг Хонқа филиали томонидан олган 200 млн. сўм кредит ҳисобига фермер хўжалигимизда беш минг бош




парранда ва ўнта наслдор қорамолни парваришлаяпмиз. Ўн бешта янги иш ўрни яратдик. Етиштирилаётган тухум ва сут маҳсулотларини аҳолига пешма-пеш етказиб беряпмиз.

**Мансур НОРБОЕВ, «Гиламчи» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари:**

— Биз бу йил банкнинг «Қоровул» филиалидан 250 млн. сўм кредит олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирдик ва янги дастгоҳлар сотиб олдик. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори кўпайди, сифати ошди. Эндиликда йилига 1 млрд. 93,5млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятимиз бор. Бу ўтган йилга нисбатан 109 фоиз юқори демани.

Бошқарманинг ижобий ишлари ҳақида 138 млн. сўм кредит олиб, ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Қўшкўпир туманидаги «Қўшкўпир силикат ғишт заводи» МЧЖ раҳбари Ботир Бекчанов, маиший хизматни ривожлантириш учун «Қоровул» филиалидан 98 млн. сўм кредит олган «Омад Нур Файз» МЧЖ раҳбари Холжон Бобожонова ва бошқа кўплаб мижозлар ҳам миннатдор бўлиб гапиришди.

Хуллас, «Агробанк»нинг Хоразм вилоят бошқармасидан кредит олиб, ўз ишини йўлга қўйганлар, элга манзур маҳсулотлар ишлаб чиқариб, бозорларни тўлдираётганлар, шу билан бирга, оила ва маҳалласига барака киритаётганлар сафи кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Спорт

**Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси, «Бунёдкор» футбол мактаби тарбияланувчиси Жавлон Мирабдуллаев Германиянинг «Боруссия» Мёнхенгладбах клуби йиғинларида иштирок этмоқда. Ёзда Мексикада ўтказилган 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Жавлон Мирабдуллаев ўзининг ҳимоя маркazидаги ишончли ҳаракатлари билан хорижлик мутахассисларнинг ҳам эътиборини қозонганди.**

# Жавлон Мирабдуллаев Германиянинг «Боруссия» клубида...



— Жамоамиз футбол академияси тарбияланувчиси жаҳонга машҳур клуб мураббийлари эътиборини тортганидан хурсандмиз, — дейди **«Бунёдкор» ФК Биринчи вице-президенти — Бош директори Баҳром Давлатов.** — Айни пайтда Жавлон «Боруссия» клуби йиғинларида иштирок этмоқда. Унинг жисмоний ҳолати ҳар қандай талабга жавоб бера олади. У 27 октябрга қадар «Боруссия» машғулотларида қатнашди. Бўлғуси футбол юлдузининг Германияда қолиш-қолмаслиги эса шу кунларда ойдинлашади. Агар Жавлон Мирабдуллаев «Боруссия» машғулотларида муваффақиятли иштирок этиб, немис мутахассислари талабларини тўла бажариб, Германиянинг машҳур клубига қабул қилинса, албатта бу футболимиз учун катта ютуқ бўлади.

Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг илк учрашувида терма жамоа сардори Аббос Махсталиев майдонга туша олмаганди. Ўшанда Жавлон Мирабдуллаев жамоадошларини сардор сифатида дадил майдонга бошлаб тушганди.

Жавлоннинг устун жиҳатлари: жисмонан бақувват, юқоридан келадиган тўплар учун курашда рақибларига деярли имконият бермайди, кўпчилик ҳимоячиларга ўхшаб қўпол эмас. Энг асосийси, иложи борича хато қилмайди. Бундай ҳимоячини қўлга киритишни ҳар қандай мураббий исташи табиий ҳол.

Футболимизни жаҳонга чиқишини қанчалар хоҳлаган эдик. Бизнинг футболчиларимизни ҳам дунёнинг машҳур клублари таклиф қилишини умид ва ишонч билан кутгандик. Ўзбек футболини бугун дунё эътироф этилмоқда.

Ҳа, биз экканumid ниҳоллари бугун кўкка бўй чўзмоқда. Илёс Зейтуллаев, Одил Аҳмедов, Санжар Турсунов... Жавлон Мирабдуллаевларнинг сафи янада кенгаймоқда.

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Кирсан ИЛЮМЖИНОВ:**

# Менинг FIDE президентлигига йўлим Тошкентдан бошланган

**Пойтахтимизда Халқаро шоҳмот федерацияси (FIDE) тасарруфида ўтказилган 1-Марказий Осиё кубогида ҳамюртимиз, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ғалаба қозонганидан хабардорсиз. Ушбу мусобақада FIDE президенти Кирсан ИЛЮМЖИНОВ иштирок этди ва матбуот ходимларига интервью берди.**



— Мен Ўзбекистонга биринчи марта 1978 йилда, Қалмоғистон мактаб ўқувчилари шоҳмот терма жамоаси сардори сифатида келганман. Ўшанда биз Тошкент яқинидаги Қибрай шаҳарчасида мусобақаларда қатнашгандик. Ўша пайтда шоҳмотга қизиқадиган оддий мактаб ўқувчиси эдим, ҳозир FIDE президентиман, — дейди **Кирсан Николаевич.** Лекин айнан Тошкент заминида мусобақа ҳаяжонларини дилдан ҳис қилдим ва шоҳмотга чинакамига меҳр қўйдим. Шу боис менинг FIDE президентлигига йўлим Тошкентдан бошланган десам айни ҳақиқатни айтган бўламан.

**Шу йил баҳорда Тошкентга яна келдим.** Ҳамюртингиз Рустам Қосимжонов ва амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ўртасидаги ўртоқлик учрашуви ҳақида ўйлаганимда, таниқли гроссмейстерлар иштирокида бундай мусобақалар дунёда шоҳмотни ривожлантиришда, оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этишига қайта-қайта амин бўлаяпман. Биз бундан кейин ҳам шундай мусобақалар уюштиришда давом этамиз. Ўша ташрифим чоғида Тошкентда FIDE тасарруфида Марказий Осиё кубогини ўтказиш ғояси келганди. Бугун минтақада шоҳмотни янада ривожлантиришга ҳисса қўшадиган ушбу мусобақа зўр муваффақият билан ўтказилди. Қатнашчилар орасида гроссмейстерлар, айниқса иқтидорли ёшларнинг борлиги мени қувонтирди. Умуман олганда, ҳар қандай меҳнат қадрланиши керак, шу жумладан, шоҳмотга сарфланган ақлий меҳнат ҳам. Ахир қанча фидойилар шоҳмотни ривожлантириш учун билим, маҳоратини, умрини бахшида этишади.

Минтақаларда шундай мусобақа ўтказиш ғояси Тошкентда туғилди, деб айтдим. Бу ғоя бизга маъқул келди ва FIDE тасарруфи остида Европада кам сонли аҳоли яшайдиган мамлакатлар шоҳмотчилари ўртасида, Лотин Америкасида, Кариб денгизи мамлакатларида шундай мусобақалар ўтказдик. Бундай мусобақаларни бошқа минтақаларда ҳам ўтказишни режалаштирганмиз. Англаётгандирсиз, Тошкентда туғилган ғоя қанчалар тез оммалашди. Кўпчиликни Марказий Осиё кубогининг кейинги тақдири қизиқтираётгандир. Сизни ишонтириб айтаман, бу мусобақа анъанавий бўлади. Келгуси йил минтақавий мусобақани Қирғизистонда ўтказиш ниятимиз бор.

**— Кирсан Николаевич, кўпчилик шоҳмотнинг тафаккурни чархлашдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уни мактабда дарс сифатида ўтиш керак, деган таклифлар билдиришади. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Дунёнинг айрим давлатлари мактабларида шоҳмот дарс сифатида ўтиляпти. Яқинда Арманистонда бўлдим, мактабларда ҳафтасига икки соат шоҳмот дарси ўтказилар экан. Озарбойжонда, Мўғулистонда ва бошқа давлатларда шоҳмот дарси ўқув дастурига киритилган. Кўплаб давлатлар мактабларида эса шоҳмот машғулотлари факультатив дарс ёки тўгарак сифатида ташкил этилади. Гап шоҳмот дарси, машғулотини оғир, ортиқча юк қилиб эмас, фойдали ташкил этишда. Шу боис FIDE академиясида шоҳмотни болаларга қулай тарзда ўргатиш методикаси устида изланишлар олиб бориляпти. Баҳорда келганимда Тошкентда FIDE академияси филиалини очиш ҳақида фикрлашгандим. Бу ниятимиз ҳам амалга ошади, деб ўйлайман.

**— FIDE президенти этиб сайланганингиздан кейин шоҳмотни Олимпия ўйинлари дастурига киритиш борасида кенг кўламли ишларни бошлаб юборгандингиз. Ҳозир бундай хайрли иш қандай аҳволда?**

— Кўпчилик билмас, мен FIDEга президент этиб сайланган 1995 йилда ҳали шоҳмот спорт тури сифатида нуфузли ташкилотларда эътироф қилинмаганди. Бу борада Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) билан музокаралар олиб бордик. ХОҚ 1999 йилда шоҳмотни спорт тури сифатида тан олди ва FIDE бир қанча халқаро спорт ташкилотларига аъзо бўлди. Бизнинг ниятимиз, шоҳмотни қишки Олимпия ўйинлари дастурига киритиш. Шуни миннатдорлик билан таъкидлашим керак, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси бизнинг таклифимизни қўллаб-қувватлаб, ХОҚ қароргоҳига биринчилардан бўлиб мактуб жўнатди. Ҳозирги вақтда ХОҚ да бошқа давлатлар Миллий Олимпия қўмиталарининг ҳам шундай мурожаат хатлари бор. Демак, шоҳмотнинг Олимпия ўйинлари дастурига кириш муддати тобора яқинлашмоқда.

Шоҳмотнинг одамлар ўртасида дўстликни, халқлар ўртасида ҳамкорликни, дунёда тинчликни сақлаш, тараққиётни ривожлантиришдаги роли жуда катта. Биз FIDEнинг яқинда Краковда бўлган Конгрессида бу масалага яна тўхталдик. Дунёда олти миллиарддан кўпроқ одам яшайди, мен улардан бир миллиарди шоҳмот ўйнашини истайман. Бир миллиард одам шоҳмот ўйнайди дегани бу бир миллиард одам фикрлаяпти деганидир. Агар бир миллиард одам фикрласа, дунёда тинчлик ҳам, тараққиёт ҳам, фаровонлик ҳам бўлади. Менимча, шоҳмотнинг спорт натижаларидан кўра, унинг фикрлашга ундовчи шарафли вазифаси инсоният учун муҳимроқ.

**— Тошкент ҳақидаги таассуротларингизни сўзлаб берсангиз.**

— Мен кўрган 1978 йилдаги Тошкент билан ҳозирги Тошкентни таққослаб бўлмайди. Ҳозирги Тошкент жуда обод бўлиб кетган, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири. Мен ўттиз йил илгариги Тошкентни айтаяпман, ҳаттоки баҳорда кўрган Тошкентимдан бугунги,- куздаги Тошкент янада чиройлироқ. Қанча муҳташам бинолар қурилибди, кўчалар кўкаламзорлаштирилибди. Ҳар бир муҳташам бино ёнидан ўтганда бу жойда нуфузли шоҳмот мусобақаси ўтказса бўлар экан, деган хаёлга бордим.

**— Кирсан Николаевич, олдинги сафар келганингизда Марказий Осиё кубоги, FIDE академияси филиали билан бирга келгуси йил Тошкентда гран-при мусобақасини ўтказамиз деб айтгандингиз. Бу ниятингиз ҳам амалга ошадими?**

— Бу масала ҳам кун тартибида турибди. Яқинда бўлган Конгрессда келгуси йил бўладиган гран-при мусобақалари жойларига аниқлик киритдик. Лекин битта гран-при мусобақасининг жойи ҳали белгиланмаган. Эҳтимол... Яхшиси ниятни холис қилайлик. Мана Марказий Осиё кубоги ҳақидаги ниятимиз рўёбга чиқди. Вақти келиб, Тошкентда ҳам шоҳмот бўйича нуфузли мусобақа ўтказилади.

FIDE президенти сифатида Ўзбекистонлик ёшларга тилагим битта: Барчангиз шоҳмот ўйнанг ва унинг лаззатидан баҳра олинг.

**Асрор МЎМИН**
**ёзиб олди.**

Тадбир

# Халқаро илмий ҳамкорлик

**Мамлакатимизда 2004 йилдан бошлаб сурункали миелолейкозга чалинган беморларни даволаш бўйича GIPAP халқаро дастури ҳамда Осиё Тараққиёт Банки лойиҳаси бўйича «Аҳолини хавфсиз қон билан таъминлаш дастури» изчил амалга оширилмоқда.**

Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасининг «SILK ROAD» залида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти, Ўзбекистон Гематологлари ва трансфузиологлари ассоциацияси ҳамкорликда «Гематология ва трансфузиологиянинг долзарб муаммолари»га бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди.

Анжуманда АҚШ, Туркия, Германия ва Россия Федерацияси каби давлатлардан етакчи олимлар, шунингдек, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг ходимлари, вилоят ва туманлардан келган мутахассислар иштирок этишди. Унда «Ўзбекистонда халқаро «Max Fondation» хайрия дастурининг фаолияти», «Болаларда ўткир лимфобласт лейкозлар рецидивини даволаш», «Сурункали лимиелолейкоз касаллигининг диагностикаси» каби мавзудаги маърузалар жиддий муҳокама қилинди.

— Тошкентга биринчи бор келишим, — деди америкалик доктор Жордан Смит. — Шуни айтмоқчиманки, юртингизда халқ саломатлигини ҳимоялашга давлат томонидан жуда катта аҳамият қаратилиши яққол кўриниб турибди. Халқингизнинг оққўнгил, самимий, меҳнаткашлиги мени ҳайратга солди. Республикангизда гематология соҳасида етакчи олимлар, айниқса, иқтидорли ёшлар кўп экан, илмий салоҳият етарли. Ишончим комилки, биз келтирган замонавий лаборатория асбоб-ускуналари тизим янада тараққий этишига хизмат қилади.

Тадбирнинг иккинчи куни Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг Гемофилия ва қон тизими депрессияси марказида давом этди.

— Халқимизга малакали ташхислаш ёрдами кўрсатиш учун жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган Молекуляр генетика лабораторияси ишлаб турибди, — деди Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори, Ҳ.Каримов. — Лабораториянинг мутахассислари Германия, Россия, Туркия, Япониядаги нуфузли илмий марказларда малака ошириб келишган.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Орамиздаги оқибат

# Муруввват — улуғ савоб

**«Муруввват уйи» дарвозасидан киришингиз билан «Чорасиз қолганда нажот бағишла» деган хитобга кўзимиз тушади. Бу — Қоракўл тумани «Зиёрат» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «Муруввват уйи» жонкуярларининг ўзига хос шиоридир.**

— 300 ўринга мўлжалланган «Муруввват уйи» айни кунда 294 нафар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ақли заиф ва қаровчиси бўлмаган инсонлар парвариш қилинаяпти — дейди директор Баҳриддин Тешаев.

Дарҳақиқат, «Муруввват уйи» тиббий-ижтимоий муассаса бўлиб, узлуксиз давом этувчи асаб касаллиги оқибатида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган ва парваришга муҳтож шахсларга тиббий ва ижтимоий-маиший хизмат кўрсатади.

Ҳар йили икки марта беморлар туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари томонидан диспансер кўригидан ўтказилади.

Бу йил беморларнинг сони 6 нафарга камайди. Соғлигида ижобий ўзгаришлар кузатилган инсонлар ўз уйларига, оиласи бағрига қайтишди.

— Мен йигирма йилдан буён «Муруввват уйи»да ишлайман, — дейди Тўхтамурод Қодиров. — Ҳафтасига икки марта навбатчилик қиламан. Бошқалар эътибор ва кўмагига муҳтож инсонларга алоҳида ғамхўрлик, меҳр керак. Биз жамоамиз билан мана шу тамойилларга амал қилиб, ишлаб келмоқдамиз.

Бу масканда истиқомат қилаётганларни меҳнатга жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шариф Тиллоев 2000 йилдан буён муруввват уйида яшайди. Дастлаб қурилишда ишлаган бу отахон айни дамда матрас, кўрпача, кийим-бош тикади. 78 ёшли нуронийнинг ипни игнадан бемалол ўтказа олиши кишини ҳайратга солади. Абдулатиф Шарипов эса Навоий шаҳридан келган. У чилангарлик билан шуғулланади.

— Яқинда кичик устахона очамиз, — дейди у. — Ўзимизга керакли нарсаларни ясаймиз. Шароит яхши. Бизга меҳрибон инсонлар кўп.

— Мен бугун ўғлимнинг аҳволидан хабар олишга келдим, — дейди ўзини Малика Жумаева деб таништирган аёл. — Кўрсатмаган жойимиз қолмади, ахийри шу ерга олиб келдик. У бу ерда ўзини яхши ҳис қиляпти. Кўнглим хотиржам. Шундай муруввватли инсонлар борлигига шукр. Шифокор ва тарбиячиларга раҳмат!

«Муруввват уйи»га саховатпеша ҳомийлар ҳам ёрдам бораётир. Туман ҳокимлиги «Қоракўлстрой инжиниринг» компанияси, «Нур — 2000» ишлаб чиқариш корхонаси, «Доктор Норқул Ҳусен» ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда якка тадбиркорлар Наима Шарипова билан Олим Саломов беминнат ёрдам кўрсатишаяпти.

Яна шуни айтиш керакки, жорий йилда туман ҳокими «Муруввват уйи» учун 1 гектар ер ажратиб берди. Ушбу ёрдамчи хўжаликда 2,5 миллион сўмлик полиз экинлари етиштирилиб, омборга киритилди. Иссиқхонада помидор, бодринг, турли кўчат ва лимон етиштирилаяпти.

Ҳаёт синовлари баъзан инсонни ҳар хил ҳолатга солади. Турмуш сўқмоқларида адашиш, одамлар назаридан қолиш, соғлиқни йўқотиш, мумкин. Айримлар ана шундай пайтда қаттиқ изтиробга тушади. Аммо инсон кўрсатилган ғамхўрлик, меҳр-оқибат ва парвариш туфайли ўзини ўнглаб олади.

**Гулчеҳра АШУРОВА,**
**журналист.**

Озод юртнинг обод уйлари



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

# Янгиқишлоқдаги янги уйлар

Жорий йилда Шаҳрисабз туманидаги Янгиқишлоқ, Чоршанби, Лолистон, Қорасув ва Хўжаихуросон аҳоли пунктларида намунавий лойиҳадаги 120 уй-жой фойдаланишга топширилди. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Қашқадарё вилоят филиали буюртмаси асосида бунёд этилган бу уйларда барча шарт-шароитлар яратилган.

Уй эгаларига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредит берилаётгани, айниқса, ёш оилалар учун жуда яхши имкониятдир. Янги уйларнинг электр, газ, ичимлик суви таъминоти тармоқлари маҳаллий бюджет ва ҳомий ташкилотлар томонидан барпо этилаётгани уй-жойлар қурилиши таннархининг арзон бўлишига хизмат қилмоқда.

**ОБ-ҲАВО 29-30.10. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 18°C | 20°C |
| Самарқанд | 17°C | 22°C |
| Нукус | 13°C | 18°C |
| Қарши | 19°C | 24°C |
| Урганч | 13°C | 18°C |
| Навоий | 17°C | 22°C |
| Фарғона | 15°C | 20°C |
| Бухоро | 17°C | 22°C |
| Андижон | 15°C | 20°C |
| Наманган | 15°C | 20°C |
| Термиз | 19°C | 24°C |
| Жиззах | 17°C | 22°C |
| Гулистон | 17°C | 22°C |
| Тошкент вил. | 17°C | 22°C |
| Лондон | 14°C | 15°C |
| Париж | 15°C | 15°C |
| Москва | 5°C | 6°C |
| Мадрид | 15°C | 15°C |
| Пекин | 13°C | 17°C |
| Гонгконг | 27°C | 28°C |
| Рим | 22°C | 24°C |
| Анқара | 17°C | 18°C |
| Токио | 24°C | 25°C |
| Стокгольм | 10°C | 9°C |
| Кейптаун | 17°C | 17°C |
| Қоҳира | 20°C | 23°C |
| Гавана | 27°C | 27°C |
| Вашингтон | 19°C | 18°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10228 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.10
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Elmurod EGAMQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5